

ИСЛОМ ФАЛСАФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЮНОН ФАЛСАФИЙ МЕРОСИНИНГ ТАЪСИРИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2026-22-146-150>

Мирзакулов Лутфулла Убайдуллаевич

ТДШУ, Шарк фалсафаси ва маданияти мутахассислиги

1-курс магистранти

Илмий раҳбар: ф.ф.н., доцент Саудалиева Н.З.

Аннотация: Ушбу мақолада ислом фалсафасининг шаклланиши ва изчил ривожланиши жараёни инсоният интеллектуал тараққиёти тарихида алоҳида аҳамият касб этувчи мураккаб ва кўп қатламли цивилизацион феномен сифатида таҳлил қилинади. Мазкур жараён, бир томондан, ислом динининг ақидавий ва маънавий асослари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечган бўлса, иккинчи томондан, турли маданий-анъанавий мерослар, айниқса юнон фалсафий тафаккури билан ўзаро таъсир ва интеграция жараёни натижасида шаклланганлиги илмий жиҳатдан ёритиб берилади. Шу нуқтаи назардан ёндашганда, юнон фалсафий меросининг ислом фалсафаси шаклланишидаги ўрни, унинг мусулмон мутафаккирлари томонидан танқидий ўзлаштирилиши ва янги мазмун билан бойитилиши алоҳида таҳлил қилинади.

Таянч сўзлар ва иборалар: ислом фалсафаси, юнон фалсафаси, таржима ҳаракати, Байт ал-Ҳикма, мантиқ, метафизика, перипатетизм, калом, Форобий, Ибн Рушд

Ислом динининг илк шаклланиш босқичлариданоқ илм ва маърифатга бўлган муносабатнинг юқори даражада шаклланганлиги Куръон оятлари ва ҳадисларда илм олишга қаратилган даъватлар орқали ўз ифодасини топган. Бу эса ўз навбатида мусулмон жамиятида илмий изланишлар ва интеллектуал фаолиятнинг кенг ривожланишига кучли туртки берган. Натижада мусулмон олимлари нафақат диний илмлар, балки фалсафа, тиббиёт, математика, астрономия ва мантиқ каби фан соҳаларига ҳам жиддий эътибор қарата бошладилар. Мазкур илм соҳаларининг катта қисми эса ўз илдизларини қадимги юнон цивилизациясида топганлиги билан аҳамиятлидир.

Юнон файласуфларининг фалсафий таълимотлари ислом оламига қандай кириб келганини теран англаш учун, аввало, Европа, аниқроғи, Юнонистонда фалсафий тафаккур ривожланиш босқичларига қисқача назар ташлаш мақсадга мувофиқдир. Европа фалсафаси тахминан 2500 йиллик тарихий даврни қамраб олиб, унинг ривожиди Сукрот, Афлотун ва Арасту каби буюк мутафаккирлар ҳал қилувчи ўрин тутган.

Сукрот милoddан олдинги 469 йилда Афина шаҳрида таваллуд топган бўлиб, у бутун умрини шу ерда ўтказган ва 399 йили вафот этган. Унинг фалсафий таълимоти ёзма шаклда сақланиб қолмаган бўлса-да, асосан унинг шогирди Афлотун асарлари орқали бизга етиб келган. Сукрот ўз фалсафий ёндашуви

билан юнон фалсафаси тараққиётида янги босқични бошлаб берган. Унинг шогирди Афлотун (427–347 йилларда Афинада туғилиб, ўша ерда вафот этган) эса устозининг ғояларини янада кенгайтириб, мукамал фалсафий тизим даражасига олиб чиққан. Бу ривожланиш ўзининг энг юксак нуқтасига Афлотуннинг шогирди Арасту (384–322 милoddан олдин) фаолиятида етган [1. 24].

VII–VIII асрларда мусулмонлар томонидан амалга оширилган кенг кўламли худудий фатҳлар натижасида ислом дунёси Византия ва Сосонийлар каби илғор цивилизациялар билан бевосита алоқага киришди. (Сосонийлар давлатини Яздигард III бошқариб турган 632–651 йиллар оралиғида араб фотиҳлари забт этган. [2. 138.]) Ушбу худудларда юнон илм-фани ва фалсафий анъаналари муайян даражада сақланиб қолганлиги мусулмон олимлари учун мазкур мерос билан танишиш ва уни ўзлаштириш имкониятини яратди.

Юнон фалсафий меросининг ислом муҳитига кириб келиши асосан таржима ҳаракати орқали амалга оширилди. Аббосийлар халифалиги даврида бу жараён айниқса кенг кўламда ривожланди. Хусусан, халифа ал-Маъмун (813–833) даврида Бағдод шаҳрида ташкил этилган “Байт ал-Ҳикма” илмий маркази мазкур жараённинг институционал асосини ташкил этди. Бу марказ нафақат китоблар сақланадиган кутубхона, балки илмий тадқиқот ва таржима ишлари амалга ошириладиган комплекс илмий муассаса сифатида ҳам фаолият юритган.

“Байтул ҳикма”да 801–873 йилларда яшаган илк араб файласуфи Абу Юсуф ибн Яъқуб Алкиндий раҳбарлигида юнон тилидаги кўплаб фалсафий асарлар араб тилига таржима қилинган. Таржима ҳаракатида Ҳунайн ибн Исҳоқ, Қуста ибн Луқо ва Собит ибн Қурра каби ўнлаб етук олимлар фаол иштирок этган бўлиб, улар юнон олимларининг фалсафа, тиббиёт, астрономия ва мантиқ соҳаларига оид асарларини араб тилига таржима қилганлар.

Юнон фалсафий меросининг мусулмон муҳитига кириб келиши натижасида мантиқ илми алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Арасту томонидан яратилган мантиқий тизим мусулмон олимлари учун илмий фикрлашнинг универсал методологик воситасига айланди. Бу орқали далиллаш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришнинг илмий усуллари шаклланиб, фалсафий ҳамда илмий тадқиқотлар ривожига кучли туртки берди.

Юнон фалсафаси мусулмон мутафаккирлари учун фақатгина назарий билим манбаи бўлиб қолмасдан, балки танқидий таҳлил ва қайта ишлаш объектига ҳам айланди. Улар мазкур меросни исломий дунёқараш билан уйғунлаштиришга интилиб, уни янги мазмун билан бойитдилар. Натижада юнон фалсафаси ислом цивилизацияси доирасида мустақил ва оригинал фалсафий анъанага айланди.

Айрим уламолар юнон фалсафасига нисбатан эҳтиёткор муносабат билдирган бўлсалар-да, кўплаб мутафаккирлар ҳақиқатни универсал кадрият сифатида баҳолаб, унинг манбасидан қатъи назар қабул қилиниши лозимлигини таъкидладилар. Бу ёндашув ал-Киндий фаолиятида яққол намоён бўлади.

Юнон фалсафаси таъсири натижасида ислом фалсафасида янги фалсафий мактаблар, жумладан перипатетик мактаб шаклланди. Бу мактаб вакиллари

Арасту таълимотини чуқур ўрганиб, уни ривожлантирдилар. Кейинчалик ушбу анъана Форобий ва Ибн Сино каби мутафаккирлар томонидан янада такомиллаштирилди.

Юнон фалсафий меросининг таъсири фақат фалсафа билан чекланиб қолмасдан, тиббиёт, математика ва астрономия каби фанларда ҳам яққол намоён бўлди. Масалан, Гален, Евклид, Архимед ва Птолемей асарлари мусулмон олимлари томонидан кенг ўрганилди ва ривожлантирилди.

Форобий фалсафасида юнон фалсафий анъаналарининг ривожланиши

Юнон фалсафий меросининг ислом фалсафаси ривожига кўрсатган таъсири Абу Наср Форобий фаолиятида айниқса яққол намоён бўлиб, у мазкур интеллектуал анъанани чуқур ўзлаштириш ва уни исломий дунёқараш доирасида қайта талқин қилиш орқали янги фалсафий босқични шакллантирган мутафаккир сифатида намоён бўлади. Форобий ислом фалсафаси тарихида юнон фалсафасини тизимли равишда ўрганиб, уни назарий жиҳатдан қайта ишлаган ва ислом цивилизациясининг илмий-маданий муҳитига мослаштирган буюк файласуф сифатида эътироф этилади. Шу боис у фалсафа тарихида “Муаллим ас-соний”, яъни “Иккинчи муаллим” номи билан машҳур бўлган бўлиб, биринчи муаллим сифатида Арасту тан олинганлиги унинг юнон фалсафасига бўлган чуқур мурожаатини ва унинг ғояларини юқори даражада ривожлантирганини англатади.

Форобийнинг фалсафий қарашлари шаклланишида юнон фалсафаси, айниқса Арасту таълимоти марказий ўрин эгаллайди. У Арасту асарларини чуқур таҳлил қилиб, уларга изоҳ ва шарҳлар ёзган ҳамда мазкур таълимотни мусулмон интеллектуал муҳитига мослаштиришга интилган [3, 108]. Форобий мантиқ илмини алоҳида аҳамиятга эга деб ҳисоблаб, уни инсон тафаккурини тартибга солувчи ва хатолардан муҳофаза қилувчи универсал методологик восита сифатида талқин этган. Унинг таъкидлашича, мантиқ “фикрлаш санъати” бўлиб, у барча илмлар учун назарий-услубий асос вазифасини бажаради.

Форобий фалсафасида юнон анъаналарининг таъсири унинг метафизик ва космологик қарашларида ҳам намоён бўлади. У мавжудотнинг иерархик тартибга эга эканлиги ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқиб, барча мавжудотлар Биринчи Сабабдан (Аллоҳдан) келиб чиққанлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, Биринчи Сабаб мутлақ ва абадий мавжудот бўлиб, барча борлиқнинг манбаи ҳисобланади. Мазкур онтологик тизимда ақллар занжири орқали коинотнинг пайдо бўлиши тушунтирилади. Бу эса юнон неоплатоник анъаналарининг исломий талқини сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга, Форобий инсон ақлининг камолга етишида “фаол ақл” концепциясига алоҳида урғу бериб, уни билиш жараёнининг марказий омили сифатида кўрсатади.

Форобий дин ва фалсафа ўртасидаги муносабат масаласига ҳам чуқур эътибор қаратиб, улар ўртасида зиддият эмас, балки мазмунан уйғунлик мавжудлигини илмий асослаб беради. Унинг фикрича, фалсафа ҳақиқатни ақлий ва мантиқий далиллар орқали англатса, дин уни рамзий ва образли шаклларда ифода этади. Мазкур ёндашув кейинчалик ислом фалсафаси ривожига муҳим

назарий асос бўлиб хизмат қилган ва Ибн Сино ҳамда Ибн Рушд каби мутафаккирлар томонидан янада ривожлантирилди.

Фаробийнинг фалсафий меросида илм ва жамият муносабати масаласи ҳам муҳим ўрин тутди. Унинг қарашларига кўра, илм жамият тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, мукамал жамият барпо этишда билим ва ақл устувор аҳамият касб этади.

Ибн Рушд фалсафасида юнон анъаналарининг такомиллашуви

Юнон фалсафий меросининг ислом фалсафаси доирасидаги энг юқори ривож босқичларидан бири Андалусияда яшаб ижод қилган буюк мутафаккир Ибн Рушд (Аверроис) фаолиятида ўз ифодасини топади. У ислом фалсафаси тарихида Арасту таълимотининг энг йирик ва тизимли шарҳловчиларидан бири сифатида тан олинган бўлиб, юнон фалсафасини чуқур таҳлил қилиш ва унинг мазмунини аниқлашга катта ҳисса қўшган.

Ибн Рушд 1126–1198 йилларда Андалусияда яшаб ижод қилган бўлиб, у нафақат файласуф, балки табиб, ҳуқуқшунос ва муфассир сифатида ҳам машҳур бўлган. Унинг фалсафий меросида Арасту таълимоти марказий ўринни эгаллайди. Ибн Рушд Арасту асарларига катта, ўрта ва кичик шарҳлар ёзиб, уларни тизимлаштирган ва тушунтирган. Шу боис у Европа илмий анъанасида “Комментатор” номи билан машҳур бўлган.

Ибн Рушд фалсафасида табиат ва сабабият масалалари муҳим ўрин тутди. У табиатдаги барча ҳодисалар муайян сабаб-оқибат боғланишлари доирасида юзага келишини таъкидлаб, табиат қонунларининг барқарор ва объектив хусусиятга эга эканлигини илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилган. Бу эса унинг рационалистик ёндашувини яққол намоён этади.

Ибн Рушд дин ва фалсафа муносабати масаласини ҳам чуқур таҳлил қилиб, унинг “Фасл ал-мақол” асарида қуйидаги концептуал ғояни илгари суради: “Дин ва фалсафа бир-бирига зид эмас, балки бир хил ҳақиқатни турли методологик ёндашувлар орқали англатади” [4, 9]. Унинг таъкидлашича, Қуръон инсонларни ақлий фикр юритишга ва табиатни тадқиқ этишга ундайди, шу сабабли фалсафий изланишлар диний таълимотга мутлақо зид эмас.

Ибн Рушд инсонларни ҳақиқатни англаш даражасига кўра турли тоифаларга ажратиб, фалсафий билишни энг юқори интеллектуал босқич сифатида баҳолайди. Унинг фикрича, дин кенг омма учун ҳақиқатни рамзий шаклда ифода этса, фалсафа эса уни мантиқий ва рационал асосда тушунтиради.

Ибн Рушд фалсафасида сиёсий фалсафа масалалари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у Афлотуннинг “Давлат” асарига ёзган шарҳлари орқали жамият ва давлат бошқаруви масалаларини таҳлил қилади. Унинг қарашларига кўра, жамиятнинг барқарор ривожланиши учун билим ва адолат асосий шартлардан ҳисобланади.

Ибн Рушд фалсафий меросининг яна бир муҳим жиҳати унинг Европа фалсафаси ривожига кўрсатган таъсири билан боғлиқдир. XII–XIII асрларда унинг асарлари латин тилига таржима қилиниб, Европа университетларида кенг

ўрганилган. Айниқса Париж ва Болонья (Италия) университетларида унинг ғоялари катта қизиқиш билан қабул қилинган.

Шу тариқа, Ибн Рушд юнон фалсафий меросини нафақат ислом цивилизацияси доирасида ривожлантирган, балки уни Европа интеллектуал анъанасига узатган муҳим ҳалқа сифатида тарихда ўчмас из қолдирган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида ушбу фикрларнинг таъкидлашимиз мумкинки, юнон фалсафий меросининг ислом цивилизациясига кириб келиши тасодифий эмас, балки Аббосийлар даврида шаклланган илмий-институционал муҳит ва таржима ҳаракати натижасида амалга ошган мураккаб маданий-интеллектуал жараён бўлиб, у ислом фалсафий тафаккурининг шаклланишида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлган.

Бундан ташқари, мусулмон мутафаккирлари юнон фалсафасини пассив равишда ўзлаштирибгина қолмай, балки уни танқидий таҳлил ва ижодий қайта ишлаш орқали исломий дунёқараш билан уйғунлаштирган ҳолда янги, мустақил фалсафий тизимларни вужудга келтирганлар, бу эса перипатетик анъананинг ривожига ва мантиқнинг универсал методологик восита сифатида қарор топишида яққол намоён бўлади.

Яна шуни ҳам қайд этиш жоизки, юнон фалсафий меросининг ислом фалсафаси доирасида қайта ишланиши ва бойитилиши нафақат ислом цивилизацияси интеллектуал тараққиётини таъминлаган, балки кейинчалик Европа Уйғониш даври фалсафий ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатган глобал аҳамиятга эга тарихий-фалсафий ҳодиса сифатида баҳоланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдулжаббор Аррифозий. Мабодиул фалсафатил исламийя. Байрут. Дорул ҳодий. 2001. – 411 б.
2. История стран зарубежного Востока в средние века. Москва. МГУ. 1957. – С. 620.
3. Мажид Фахрий. Ислам фалсафасининг тарихи. Нью-Йорк. Колумбия университети пресс. 2004. – 406 б.
4. Ибн Рушд. Фаслул мақол. Байрут. Исламий матнлар жамияти. 1999. – 60 б.